



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи.

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

26 август 1970 йил, чоршанба № 198 (14.664) Баҳоси 2 тийин.

БАРАКАЛЛА, ИШЧИЛАР СИНФИ!

Ўзбекистон ССР саноат ходимлари КПСС XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажара бориб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва бир қанча энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан саккиз ойлик планини муддатидан илгари, 25 августда бажардилар. Август ойининг охиригача планга қўшимча равишда неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚОРАҚЎЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон автоном республикаси қоракўлчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, катта ғалабага эришдилар. Улар пландаги 59.600 дона урнига 59982 дона қоракўл тери топириб, йиллик плани ошириб бажардилар. Планини ошириб бажаришга тўртқўлчилар 33123 дона, буюқчилар 11375 дона, чимбоқчилар 2459 дона, хўжасиёчилар 1930 дона қоракўл тери топириб муносиб ҳисса қўшдилар. Автоном республика қоракўлчилари КПСС XXIV съездини муносиб кўтиб олиш учун қоракўл тери топиришнинг илгари давом эттиришмоқдалар.

САБЗАВОТКОРЛАР РАПОРТИ

Андижон область Москва район сабзавоткорлари йиллик сабзавот тайёрлаш планини илгори катарда бажардилар. Давлат тайёрлов пунктларида 2305 тонна юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари топирибди, картошка ва мева сотиш топирибди ҳам охиригача эди. Улар ички иқтисодийликнинг ҳисобига қилиб, яна 500 тонна сабзавот ва 30 тонна мева сотишга аҳд қилдилар.



ШОФИРКОН районининг хўжаликларида пахта терида бошланди. Район пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» олишни мўлжаллашляпти. Шофирконлик механизаторлар эса ўн минг тонна пахтани «зангори кема»лар бунеридан тўкиш ҳақида баъда беришган. Кўпчилиги термичилар дастлабки кунда оқ юнсақ меҳнат унумдорлигига эришиш учун интиломоқдалар. «Шофиркон» колхозининг кенас аъзоси Шомир бобо Рустамов терм бошлаган биринчи кун хирмонга 80 килограмм пахта териб тўнди. Суратда: Шомир бобо Рустамов.

А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ).

Пахта териш машиналари, трактор прицеплари ва юклагичларни тайёрлашни 1 сентябргача, кўсак узиш ва кўрак чувиш машиналарини тайёрлашни 1 октябргача тугаллаш мсқсадида пахта териш техникаси ремонтининг суръатини кескин қўчайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини пахтани териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қароридан).

МАШИНАЛАР ШАЙ

Беруний номли совхоз колдетики Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини пахтани териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини кўтаргани руҳ билан кўтиб олди ва уни муҳомада қилди. Ўйим-теримга тайёрларини кўчайтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар белгиланди.

Бу йил 2 минг гектар майдондаги пахта «зангори кема»ларда терилади. Қаралар бошига қизил байроқчалар тикилди. Бу «шу партиянинг ҳосил оралиши мумини эмас», дегани. Совхоз далаларида 57 агрегат ишляпти. Механизатор Шукрулла Султонов «Ўзбекистон» маркали машинада 300 тонна «оқ олтин» теришга сўз берди. Қарим Қамоллов ҳам шу йил пахтани бунерлардан тўкиди. Пардагул Райимбеова, Пардагул Ҳожинова каби меҳнатқўйишчилар ҳам ўз зиммасига қонирт мажбурият олди.

Пахтакорлар ўзининг ўсиш ва ривожланиши, ҳосил қўғини ҳисобга олиб дефляциянинг бултурига нисбатан 15 кун ил-

К П С С
Марказий
Комитети
июль
Пленуми
қарорларини
амалга
ошира миз!

БУХОРО: ПАХТА КАРВОНИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қадимий Бухоронинг саҳий далаларида пахта йиғим-терими бошлаб юборилди. Пешқадам хўжаликларининг чевар термичилари дастлабки тонналарни узиб қўйдилар. Қоракўл, Свердлов, Ромитан, Бухоро, Шофиркон ва Ўзбекистон районларида пахта териш ва тайёрлаш айнаса қизиб юборилган.

Она-Ватанга 5000 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилган Киров номи колхоз пахтакорларининг қизил карвони айнаса катта бўлди. Улар бир кундаёқ давлатга 30 тоннага яқин юқори сифатли пахта сотдилар. Утган йили эришган ютуқлари учун колхоз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВПСЦСининг юбилей Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган эди. Бу юксак мукофот хўжалик деҳқонларини янги сафарларга қўзғатди. Улар йиғим-терим суръатини кўн сайин кўчайтиришмоқдалар.

Райондаги «Ўзбекистон», Ҳамза номи, «Ленинград» колхозлари ҳам шу кун йиллик планининг 1-1,5 проценти миқдорда пахта сотдилар. Юқори ҳосилли «Ленинград» колхозининг Р. Исомова, Т. Муродов бошлиқ бригадалари ҳозирроқ кунга йиллик планининг 2-2,5 проценти миқдорда пахта тайёрлашга эришмоқдалар.

Ромитан районидagi «Янгибозор» пахта пунктига ҳам қизил карвон келди. Райондаги «Октябрь 50 йиллиги» совхоз дастлабки кун йиллик планининг салкам 2 проценти миқдорда пахта етказиб берди. Шунингдек «Октябрь», «Ўзбекистон», Нариманов номи, Навоий номи колхозлари ҳам йиллик планининг 1-1,5 проценти миқдорда пахта топшириди. Бухоро, Ўзбекистон, Шофиркон районларидаги қизил карвонлар ҳам салмоқли бўлди.

Бухоро областининг пахтазорлари кун сайин термичилар билан тавжум бўлиб бориқда. Дала меҳнатқўйишчилари КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, пахтани тез ва сифатли териб олишга интиломоқдалар.

Т. НАЗИРОВ.

40 ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ

Ленинград районидagi Энгельс номи колхоз уруғчилик хўжалиги ҳисобланади. Дастлабки теримларда олинган пахтадан кўзлаб уруғлик чигит тайёрланади. Колхоз меҳнат аҳли бу йил астойдил ишлаб, ҳамма майдонларда юқори ҳосил еттиштирди. Гектаридан пландаги 35 центнер урнига 40 центнердан уруғлик пахта олиш кўзда тутилмоқда.

Республика партия ва ҳукуматининг қароридан, — дейди биз билан суҳбатдаги колхоз раиси М. Деҳқонов, — уруғлик пахта тайёрлашга янгидай эътибор бериш зарурлиги уқтирилган. Биз ишни шу қарор асосида ташкил қилдик. Теримини кўн кучи билан ўтказдик. Нормани ошириб бажарган колхозчиларни мунофотлаб боришга, Аммо ҳўл, пишиб етилмаган ёни бирор касалликни чалинган пахтани уруғлик пахтага аралаштиришга мўталоқ йўл қўймайди. Яқинда колхозчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, шунга келишиб олдик.

Ленин ҳосили машиналарда теришга мўлжалланган ерларини ҳам йўн эмас, ўша пайкалардаги гузалари дефляцияга тайёрлаб қўйдик. Ҳамма куч ва техника воситаларини ишга солиб, йиллик пахта тайёрлаш планини сентябрь ойида, мажбуриятининг эса октябрь ойининг ўрталарида бажардик. Республика партия ва ҳукуматининг қарорига амалий жавобини шу бўлади.

Э. ТОПИБОЛДИЕВ.

ЭЛАДАСТУРХОНИГА

Республика областларида картошка, сабзавот, мева, полнз маҳсулотлари ва узум тайёрлашнинг бориши тўғрисида 24 августа бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — тайёрланган картошка (тонна ҳисобидан); иккинчи стун — планининг бажарилиши проценти; учинчи стун — тайёрланган сабзавот (тонна ҳисобидан); тўртинчи стун — планининг бажарилиши проценти; бешинчи стун — тайёрланган мева (тонна ҳисобидан); олтинчи стун — планининг бажарилиши проценти; еттинчи стун — тайёрланган полнз маҳсулотлари (тонна ҳисобидан); саккизинчи стун — планининг бажарилиши проценти; тўққизинчи стун — тайёрланган узум (тонна ҳисобидан); ўнинчи стун — планининг бажарилиши проценти.

Тошкент	16.597	50,8	75.002	37,5	19.985	117,6	14.041	21,3	1.382	4,2
Сирдарё	232	23,2	3.216	17,9	3.422	85,6	38.741	51,7	944	5,6
Фарғона	4.425	50,9	32.118	64,2	5.638	141,0	778	8,6	921	15,4
Наманган	935	51,9	23.057	72,1	3.606	90,2	3.316	47,4	977	12,2
Андижон	687	137,4	26.683	66,7	5.166	129,2	2.038	25,5	539	10,8
Самарқанд	4.940	44,9	41.623	46,2	7.437	96,6	1.766	14,7	1.359	3,7
Бухоро	8	—	11.304	56,5	1.285	128,5	8.392	69,9	141	1,6
Қашқадарё	496	49,6	11.154	55,8	3.480	87,0	2.233	31,9	1.136	14,2
Сурхондарё	1.425	95,0	12.556	83,7	1.647	54,9	4.843	69,2	737	10,5
Хоразм	—	—	4.984	45,3	358	119,3	1.610	12,4	2	0,4
ҚҚ АССР	406	27,1	3.163	28,8	627	31,4	1.044	7,5	17	3,4
Республика буйича	30.151	50,3	244.860	48,3	52.651	103,2	78.802	34,3	8.155	6,2

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА

Сурхондарё области, Гагарин районидagi «Советобод» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қахрамони, СССР Олий Совети депутаты Шоймардон Қудратовнинг «Комсомолобод» совхозини комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қахрамони Отамурод Худойназаровга

ХАТИ

Ҳаёлиги тўғрисида кун-кеча хабар эшитдик. Хайри сафарга отланган чавандодек биз ҳам йиғим-теримга шай бўлиб турибмиз. Бригадамиз аъзолари 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта териб оламиз, ҳосилнинг ҳаммасини бунерлардан бўшатамиз дейишляпти. Муболагаси йўқ, меннинг ўзим «Ўзбекистон» маркали девок агрегатда 600 тонна пахта термоқчиман. Бу, ўтган йилдагидан 20 тонна кўп демакдир.

Хўш, бунинг учун нималар қилишимиз? Даст-аввал шунинг алоҳида таъкидлашим керакки, биз чигит узиб чиқиши биланоқ гузалари машинага мослаб парвариш қила бошладик. Ҳар бир сурориш эгитини қатор оралари бўйлаб тўппа-тўғри ва бир хил чуқурликда олдик. Натижада ҳар туп гуза қониб сув иди, калтабўғини, машинабон бўлиб ривожланипти. Эгитларнинг тўппа-тўғри қилиб олиниши терим агрегатларининг чакқалмасдан, бир мезбурда юришини, шпинделларнинг чаноклардаги пахтани тўқмай қам-



раб олишини таъминлайди. Шундай қилинганда агрегатлар пахтани тез ва тоза таради, тоғлар эгитларга тўқилиб қолмайди.

Унов кун далаларини тағин бир марта айланиб чиқдик. 92 гектар ердagi гуза тўб қўлда териб қўйилгандек бир текис ўсипти. Бунга ўз-ўзиндан эришилмади, албатта. Ҳозиргача қатор ораларини беш марта комплекс парвариш қилдик. Гектарлар тўла, кўчатлар бут бўлди. Гуза қатор ораларини култивация қилиш, озиклантириш, сурориш каби агротехника тадбирлари бир-бирига боғлиқ ҳолда ўтказилди. Механизаторлар ҳам, сувишлар ҳам ҳар туп гузага қалбарини қўшиб қилдилар, авайлаб-асрадилар. Меҳнатимиз бугунги кунда ўз меъсанини кўз-кўз қилиб турибди.

Ҳали айтганимдек, гуза қўшқулоқ бўлиши биланоқ машина теримини кўзлаб иш тутдики. Биз энди ҳосилнинг ҳаммасини машинада йиғиштириб олиш учун барча имкониятларга эгамиз, деб аниқ айта оламиз. Чекангани ўз

лаб, минглаб дала гвардиячилари бажониди қабул қилдилар ва лубаз деб жавоб берадилар, деб хатий ишондик. Чунки бу йилги теримнинг тақдирини биз билан бизнинг — «ўлат от» суворийларининг ғайратига боғлиқ.

Табиат таътилик қилляпти, барча майдонларда ҳосилга ҳосил қўиш учун сув ҳам, ҳарорат ҳам, куч ҳам етарли. Шундай экан, ғанимат кунларнинг ҳар бир дақиқасидан деҳқонга хос омилкорлик билан фойдаланилик, ҳосил қўғини янада оширайлик. Тоғлардан граммлар, граммлардан килограмм ва тонналар ҳосил бўлгандек, серкуёш Ўзбекистонимизнинг 4 миллион 100 минг тоннали хирмони сиз билан бизнинг пахтамиздан бунёд этилишини унутмайлик.

Бу йилги шароитда гуза барглари сунъий усулда ўқтиришни нихотда эҳтиёткорлик билан ўтказиш талаб этилади. Биз дефляцияни кўскаларнинг олинишга қароб ўтказамиз. Бунда бутифос доворидан фойдаланамиз. Бу довор гузага самолёт орқали сеппилади. Бунинг ҳам тарадудини кўриб қўйганимиз. Самолётнинг учуши ва қўиши учун махсус майдонча ҳозирладики, сигналчиларни ақриб, уларни махсус семинарда ўқитдик. Дефляцияни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш учун нимаки зарур бўлса, барчасини бажо келтирдик.

Бултур «Ўзбекистон» агрегатда кунда 40 тонна ва ундан ҳам охириб пахта терган кез-қарим ҳам бўлди. Машинадан унумли фойдаланиш учун бу йил янада ғайрат қўрсатамиз. Бригадамиз бўйича йиллик планининг узуми билан ўн кунда бажарилиши юксак унум билан фойдаланамиз.

Серкуёш республикамиз катта маъракага тайёрланмоқда. Яқин кунлар ичда пахта йиғим-терими бошланади, ҳамма жасорат майдонига отланади. Механизаторларимиз бу йилги ҳосилнинг 1 миллион 900 минг тоннасини пўлат эгитларда териб беришди. Шу улуғвор, олиқанош ишдан, улкан маъракадан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Айнаса биз—суворийлар ҳар қанонидан ҳам жасорат қўрсатиб меҳнат қилишимиз лозим. Ризқ-рўзимиз, бойлигимиз манбаи — «оқ олтин»имизни нобуд қилмай териб олиш ва она-Ватан омборларига топириш, социалистик мажбуриятимизни ошириб бажариш учун мусобақани ааж олдиришимиз зарур. Шундангина республикамиз пахта хирмони 4 миллион 100 минг тоннадан охиб кетади.

Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, сизга ушбу хатни эдим. Ўйлаймизки, сиз ҳам бизнинг кайиғимизга қўшилишга ва йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун даладаги жасорат қўрсатиб меҳнат қиласиз. Сиз билан биз бунга ўр-аниб қолганимиз, ҳар қандай шароитда ҳам ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқишга қодирмиз.

